

ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ҲАМКОРЛИК

Урганч шаҳридаги Савдо уйига кирган шовотлик Д. Мадина тилла буюмларни кўриб нафси бузилди. У дўкон сотувчиси Малика Отажонованинг харидорлар билан мулоқотда бўлаётганидан фойдаланиб, савдо растасида турган 7.830.000 сўмлик тилла тақинчоқларни ўғирлаб кетди. Нафсини жиловлай олмаган аёл эртаси куни яна ўша жойга келиб, вазиятни билиш мақсадида дўконларни айланиб чикди. Ҳамма ёқ тинч, харидору сотувчилар ўз юмуши билан банд.

Назарида, кечаги ўғирликдан ҳеч кимнинг

хабари йўқдек туюлди. Ўзини бироз хотиржам тутган Мадина бу сафар урганчлик Барно Жуманиёзовага тегишли дўкондан 4 миллион сўмлик тилла тақинчоқларни ўмариб, кўздан ғойиб бўлди. Бундан хабар топган сотувчи дарҳол шу атрофда хизмат вазифасини ўтаётган вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони саф бўлинмалари 2-отряд сафдор ходимлари, сержант Р. Таганов ҳамда сафдор Б. Халиловларга ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилди. Батальон ходимлари ушбу ҳудудга

яқин атрофда хизмат фаолиятини ўтаётган ҳамкасблари билан боғланиб, дарҳол Урганч марказий деҳқон бозори ҳудудини назоратга олишди. Тезкор саъй-ҳаракатлар натижасида ўғрилик жиноятини содир қилган Д. Мадина ашёвий далил билан қўлга олинди.

Ушбу воқеа тафсилотидан кўриниб турибдики, юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлаш, содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фош этишда Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ҳозирги кунда Урганч ҳамда Хива шаҳарларида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар куни уч босқичда 18 та пиёда, 4 та скутерлик ҳамда 20 та автопатруллик йўналишлари фаолияти йўлга қўйилган. Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари, йўл патруль хизмати, профилактика инспекторлари ҳамда уларнинг жамоат тартибини



сақлаш бўйича ёрдамчилари ҳамкорлигида ташкил этилган патруллик йўналишлари жиноятларни тезкорлик билан фош этишда яхши самара бермоқда.

Ўтган йил вилоят ҳудудида 7252 та турли оммавий тадбир ўтказилиб, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлиги таъминланди. Энг асосийси, ушбу тадбирларда кўнгилсиз, фавқулодда ҳодисалар содир этилишига йўл қўйилмади. Шунингдек, кўча ва жамоат жойларида ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда шубҳа остига олинган 98106 нафар фуқаро ички ишлар органларининг ҳудудий бўлимларига олиб келинди. Улардан 9778 нафарига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари кўрилди. Яшаш жойининг тайини бўлмаган 414 нафар шахс вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ реабилитация марказига, маст ҳолатда бўлган 943 нафар фуқаро эса вилоят наркология диспансерига жойлаштирилди.

Ҳудудларда содир этилган жиноятлар ППХ батальони ходимлари томонидан назоратга олиниб, уларни «иссиқ изида» фош этиш чоралари кўрилди. Вилоят

ИИБ раҳбарияти хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришганларни доимий равишда рағбатлантириб борапти. Айни кунда илғор тажрибалар, қўлга киритилаётган ютуқлар етакчи мутахассислар иштирокида чуқур ўрганилиб, ҳаётга татбиқ этиляпти.

Урганч шаҳрининг марказий кўчалари, сайилгоҳлар, хиёбонлар, бозорлар каби аҳоли гавжум ҳудудларда патруль-пост хизмати батальонининг 8 та мунтазам маскани фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу масканлар атрофига ўрнатилган камералар орқали ҳудудни бевосита кузатиб бориш, воқеа жараёнларини таҳлил қилиш, хавф-хатар ёки ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, воқеа жойига зудлик билан тезкор гуруҳни йўналтириш имконияти яратилди. Шунингдек, мунтазам масканларнинг ташқи қиёфаси кишилар эътиборини тортадиган тарзда ишланган бўлиб, бу ерда ҳудудий ички ишлар органлари навбатчилик қисмларининг телефон рақамлари ҳамда юртимизга, бағрикенг халқимизга хизмат қилиш шарафли бурч эканлигини эслатувчи шиорлар битилган. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг

хушёрлигини ошириб, содир этилган жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар, фавқулодда ҳодисалар ҳақида зудлик билан ички ишлар органларига хабар қилиш имконини берапти.

Мунтазам масканларда ходимларнинг куну тун самарали хизмат қилишлари учун замонавий алоқа воситалари, компьютер техникалари, мебель жиҳозлари ҳамда кундалик хизмат фаолиятда зарур бўладиган барча қўлланмалар жойлаштирилган. Шунингдек, ППХ батальони ходимлари махсус жиҳозланган хизмат автомашиналари билан таъминланган. Фуқароларни қабул қилиш хонаси, ўқув синфи, спорт ва тренажёр заллари, руҳий тикланиш хонаси, ётоқхона, ошхона ташкил этилган. Яратилган бундай шароитлар натижасида хизмат самардорлиги ошиб, шаҳарлар ҳудудида жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилиши кескин камайишига эришилмоқда.

Худойберган

ЖАББОРОВ,

ўз мухбиримиз.

Суратда: *хизматда яхши натижага эришган ходим*

рағбатлантирилмоқда.

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ
олган сурат.

Хоразм вилояти.